ЎзССР Давлат архив назорати
Гос. архив УзССР
10 НОЯ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 238 (5529).
19 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎРТОҚ А. А. ГРОМИКОГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 8 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикога Ленин орденини топширди.

Мукофот топшириш пайтида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз Андрей Андреевич!

Мен ўзимга топширилган юксак ишончни ва мамнуният билан қабул қиламан, Сизга Ленин ордени ва Ленин орденини топшираман. Сиз Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматларингиз учун ва 75 ёшга тўлишингиз муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлдингиз.

Сизнинг партия билан мамлакат олдидаги хизматларингиз, социалистик давлатимизнинг ташқи сиёсатини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга қўшаётган ҳиссангиз кенг ўпчиликка маълум.

Сиз умрингизнинг қирқ беш йилини мана шу жуда муҳим соҳадаги фаолиятга бағишладингиз, шу жумладан 27 йилдан бери ташқи ишлар министри лавозимида ишлаб келяпсиз. Ўн бир йилдан бери Сиз партиямиз Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси составидасиз.

Андрей Андреевич, Совет Иттифоқида ва дунёнинг кўпгина мамлакатларида Сизнинг Советлар мамлакати тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати принципларини, мустаҳкам тинчлик, халқлар озодлиги, мустақиллиги ва социал тараққиёти ишини изчиллик ва зўр ғайрат билан ҳимоя қилиб келаётган обрў-эътиборли давлат арбобларидан бири эканингизни биладилар.

Сиз муттасил принципиаллигингиз, кенг билимдонлигингиз ва зўр меҳнатсеварлигингиз туфайли бирга ишлайдиган ўртоқларнинг чуқур ҳурматини қозондингиз.

Азиз Андрей Андреевич, бугун мен Сизга Ватаннинг муносиб мукофотини топширар эканман, ўз номимдан ва шу ерда ҳозир бўлган барча ўртоқлар номидан Сизни астойдил табриклайман.

Ўртоқ А. А. Громико жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ А. А. ГРОМИКО нутқи

Азиз Константин Устинович!

Азиз ўртоқлар!

Аввало, менинг Ленин ордени билан мукофотланишим муносабати билан сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Константин Устинович бу юксак мукофотни топшира туриб, ҳозиргина айтган яхши сўзлари учун ғоят миннатдорман.

Бу мукофотга сазовор бўлиш — катта шараф. Буни аламом Совет Иттифоқи Коммунистик партияси фаолиятига, унинг ленинча ички ва ташқи сиёсатига кўрсатилган шараф деб биламан.

Мукофотни тўлқинланиб қабул этаяпман. Бу — меҳнатимга берилган юксак баҳо. Партия ва халқ олдидаги ўз бурчимни бундан буён ҳам муносиб бажариш учун куч-қувватимни аямайман.

Ватанимизнинг равнақ топишига, улуғ Ленин ишининг тантанасига, бутун дунёда мустаҳкам тинчликни қарор топтиришга кўмаклашиш — ҳар бир совет коммунисти каби мен учун ҳам энг муҳим ишдир.

Халқимиз партиянинг синалган раҳбарлигида коммунистик бунёдкорлик соҳасида ўз олдида турган улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

КПССнинг бўлажак XXVII съезди партия билан халқ олдида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг кенг миқёсли ва узоқ муддатли истиқболларини очиб беради, бу съездда янги таҳрирдаги партия Программасини қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Империалист кучларнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида кескин тус олган жаҳон майдонидаги ҳозирги вазиятда совет халқининг тинч турмуши ва меҳнати учун қулай халқаро шароитларни таъминлаш вазифаси алоҳида аҳамият касб этаётганлиги равшан.

Бу мақсадга эришиш иттифоқчиларимиз ва дўстларимизнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш манфаатлари билан, ялпи тинчлик негизларини мустаҳкамлаш йўлидаги кураш билан чамбарчас боғланган.

Бизнинг мамлакатимиз кескинликни юмшатиш халқаро муносабатларни нормал тинч ҳамкорлик изига қайтариш мақсадида бундан буён ҳам барча давлатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилаверади.

Бутун тараққийпарвар инсониятнинг кўз олдида мамлакатимиз ташқи сиёсатининг обрўйи баланд.

Совет халқининг бунёдкорлик меҳнати СССР ташқи сиёсатининг битмас-туганмас куч-қувват манбаидир. Бу меҳнатда нақадар юқори натижаларга эришилса, Совет Иттифоқининг дунёдаги позициялари, социализмнинг позицияларини шу қадар мустаҳкам бўлади.

Ленинча анъаналарга садоқатли Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси жаҳон сиёсати масалаларини доимо диққат марказида тутмоқдалар, Совет давлатининг халқаро фаолиятини кун сайин йўлга қўйиб турибдилар.

Азиз ўртоқлар, сизларга ва сизлар орқали партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматига ташқи сиёсат фронтининг ходимлари ўз Ватанининг манфаатларини ҳамиша бардам туриб ҳимоя қилаверадилар, тинчлик манфаатларини қатъият билан муҳофаза этадилар, деб ваъда беришга рухсат этгайсиз.

Сўзимнинг охирида фахрли мукофот учун ва менинг шаънимга айтилган самимий сўзлар учун яна бир бор қизғин миннатдорчилик билдирмоқчиман.

* * *

Ўртоқ А. А. Громикога мукофот топшириш пайтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. Ф. Ватченко ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари ўртоқ А. А. Громикони юксак мукофот билан муборакбод этдилар. Улар А. А. Громикога сиҳат-саломатлик, Коммунистик партия билан Совет давлатининг бахт-саодати йўлидаги, тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп қиррали фаолиятида янгидан янги муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

монгги газеталарда

29 октябрь куни Куба Республикаси пойтахти — Гаванада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXIX мажлиси очилади.

Келишиб олинганига мувофиқ сессия мажлиси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳукумат бошлиқлари иштирокида ўтказилади.

* * *

16-17 октябрь кунлари Москвада социалистик мамлакатлар тинчлик тарафдорлари ташкилотлари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда БХР, ВХР, ВСР, ГДР, КХДР, КХР, Куба Республикаси, МХР, ЛХДР, ПХР, РСР, СССР, ва ЧССР тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракатларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Ёшларнинг меҳнати — севикли Ватанга!

Республика комсомол ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари тугамоқда. Шундай конференциялардан бири 18 октябрь куни Тошкентда «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида бўлиб ўтди.

Завод клубида очилган виставка қилинган ишлар ҳақидаги рапортга бамисоли дастлабки сатрлар бўлиб ёзилди. Ундаги стендлар, фотомонтажлар ёш ишлаб чиқариш ходимларининг ўн биринчи беш йилликдаги ютуқларини, уларнинг Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақадаги иштирокини тасвирлайди.

Ўз сафларида 1280 йигит ва қизни бирлаштирувчи бирлашма комсомолининг энг яхши намояндалари залга тўпланишди. Конференцияга партия ва комсомол ветеранлари, ёшларнинг мураббийлари, ишлаб чиқариш командирлари ҳам таклиф этилди.

Комсомоллар партия раҳбарлигидан куч-қувват олиб, кекса ёшдаги коммунист ўртоқлардан ленинча принципиалликни, ҳақиқатнинг бетига тик боқишни, олға бориб, юксак пировард натижаларга эришишни ўрганадилар. Шу фикр конференция қатнашчилари барча нутқлари мазмунига сингиб кетган эди. Бирлашма йигит ва қизлари КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва унинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш тўғрисида»ги қарорини, ўртоқ Константин Устинович Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгашидаги нутқини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини миннатдорчилик ва юксак масъулият туйғуси билан кутиб олганликлари таъкидланди.

Нотиқлар бирлашма комсомол ташкилоти ёшларни ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашга, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун бошланган социалистик мусобақага кенг миқёсда жалб этишга сафарбар қилиш соҳасида муайян тажриба тўпланганлигини уқтириб ўтдилар.

Бироқ эришилган муваффақият ва ютуқлар комсомолларнинг конференцияда сўзлаган нутқлари учун бош мавзуи бўлиб қолмади. Улар комсомол ташкилоти фаолиятида содир бўлган катта камчилик ва нуқсонлар ҳақида кескин ва жонкуярлик билан гапирдилар. Жумладан, комсомол-ёшлар бригадаларини тузиш соҳасидаги ишларнинг бўшлиги таъкидлаб ўтилди — бирлашма заводларининг Тошкент группасидаги 166 коллективдан атиги тўрттаси ёшлар коллективи номини олган. Меҳнат интизомининг ҳолати, шахсий иқтисод ва тежамкорлик ҳисоблари суст жорий этилаётганлиги, ёшлар ўртасида кадрлар қўнимсизлигининг кўплиги ҳам комсомолларни ташвишга солди. Йигит ва қизларни ғоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик ва ахлоқийлик руҳида тарбияшдаги камчиликлар айтилди. Нотиқлар «Комсомол прожектори»нинг ташаббусизлигини, ҳамиша ҳам самарали ишламаётганини уқтириб ўтдилар. Конференция делегатлари «прожекторчилар» ишини халқ контролерлари Бутуниттифоқ кенгашининг талабларидаражасига кўтаришга чақирдилар.

Комсомоллар комсомол комитетининг янги состави шу танқидий мулоҳазалар ва таклифларни эътиборга олиб, комсомол ишининг услуби, методлари ва формаларини такомиллаштирсин, деган истакни билдирдилар.

Конференция қатнашчилари бирлашманинг йигит ва қизлари ўз тажрибалари, билимларини, сиёсий онгликни партия қарорларини муваффақиятли бажаришга, ҳар бир ёш ишлаб чиқариш ходимини меҳнатга коммунистик муносабат, қатъий маънавий позиция, юксак ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга сарфлайдилар. Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини, Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, ёшлар ва студентларнинг Жаҳон фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга ҳисса қўшадилар, деб ваъда бердилар.

Конференцияда делегатлар томонидан самимий кутиб олинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов иштирок этди. (ЎзТАГ).

● ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ИҚТИСОДИЙ ТАЖРИБА ШАРОИТИДА

Тошкентдаги тўрт корхона — «Средазэлектроаппарат», «Средазкабель», «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташэлектромаш» заводи йил бошидан бери янги иқтисодий тажриба шароитида ишлаяпти. Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ўтказилаётган тажриба ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштиришга, ишлаб чиқаришни бошқариш хўжалик механизмини такомиллаштиришга, фан-техника тараққиёти ютуқларининг жорий этилишини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу корхоналарда иқтисодий тажрибани ўтказиш бўйича комиссиялар ташкил этилган, зарур ташкилий-техник тадбирлар плани амалга оширилмоқда, завод хизматлари, шунингдек, унинг бўлинмалари ходимларини мукофотлаш ҳақидаги низомлар тасдиқланган.

Яқин орада шаҳардаги яна бир группа саноат корхоналари — станок-асбобсозлик саноати, приборсозлик, нефть-химия машинасозлиги, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари янги иқтисодий тажрибага ўтишга тайёрланмоқда. Шунинг учун ҳам янги шароитда тўпланган иш тажрибалари, вужудга келган муаммолар, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш усуллари корхоналар учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг катта мажлислар залида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция айнан ана шу мавзуга бағишланди.

Конференция янги иқтисодий тажриба шароитида ишлаётган шаҳар корхоналарининг айрим иш якунларини, шаҳар саноат корхоналари коллективларининг самарали ва сифатли ишлаши учун ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни юксалтириш вазифаларини кўриб чиқди. Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

Конференцияда сўзга чиққан қатор корхоналарнинг директорлари, бош инженерлари, Давлат Меҳнат комитети, «Госснаб» ходимлари, партия комитетининг секретарлари янги шароитдаги иш тажрибаларини ўртоқлашдилар, йиғилганлар диққат-эътиборини меҳнат унумдорлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва маҳсулот етказиб бериш системасини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишларнинг юксак сифатли бўлишини таъминлаш каби проблемаларга қаратдилар.

Конференция қатнашчилари табриномалар қабул қилдилар. Ана шу табриномаларнинг амалга оширилиши янги иқтисодий тажриба шароитида корхоналарнинг ҳўжалик фаолиятини яхшилаш имконини беради.

БУГУН

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

ҚИШ МАВСУМИГА МЎЛЖАЛЛАБ

Пойтахтимизда аҳоли кийимлар фабрикасида хотин-қизларга мўлжалланган қишки ўйма шляпалар катта миқдорда тайёрланмоқда. Корхона модельерлари бош кийимларнинг энг замонавий намуналаридан фойдаланиб ана шу шляпаларнинг кўркам нусхасини яратишди. Бундан ташқари корхонада эркаклар ва болаларнинг ҳам янги моделдаги қишки бош кийимлари ишлаштирилди.

лари 1 миллион 500 минг сўмлиқдан ошиб кетди. Корхона ишчилари юбилейи йилида жами 10 миллион сўмликдан кўп маҳсулот тайёрлашга азму-қарор қилишган. Айни пайтда ана шу миқдорнинг тўртдан уч қисми тайёрланиб бўлинди.

Ҳозирги кунда корхонада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Корхонанинг жонкуяр ишчилари ану шонли санани юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишга интилишяпти. Мусобақада фабриканинг биринчи тикув цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда.

БУГУН

Фабрика фидокорларининг сентябрь — октябрь ойлари давомида тайёрлаган янги моделдаги маҳсулотлари 1 миллион 500 минг сўмликдан ошиб кетди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИЛДИРИШИ

Район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1984 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ва район (шаҳар) судлари халқ маслаҳатчиларининг ваколот муддати тугаши муносабати билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қилади:

Тошкент шаҳри бўйича халқ маслаҳатчиларни сайлови 1 ноябрдан 20 ноябргача ўтказилсин.

Тошкент шаҳар район халқ судларига сайланиши лозим бўлган халқ маслаҳатчилари сони қуйидагича белгилансин:

Акмал Икромов район суди — 375 халқ маслаҳатчиси;

Киров район суди — 450 халқ маслаҳатчиси;

Куйбишев район суди — 525 халқ маслаҳатчиси;

Ленин район суди — 600 халқ маслаҳатчиси;

Октябрь район суди —375 халқ маслаҳатчиси.

Собир Раҳимов район суди — 450 халқ маслаҳатчиси;

Сергели район суди — 300 халқ маслаҳатчиси;

Фрунзе район суди — 375 халқ маслаҳатчиси;

Ҳамза район суди — 600 халқ маслаҳатчиси;

Чилонзор район суди — 525 халқ маслаҳатчиси.

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 16

«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,40	81,93
Тошкент	1,84	79,46
Наманган	1,84	75,42
Андижон	1,42	74,02
Сурхондарё	1,59	68,62
Хоразм	1,93	64,98
Сирдарё	3,00	61,58
Самарқанд	1,51	54,32
Бухоро	0,91	51,70
ҚҚАССР	1,90	50,77
Жиззах	1,88	48,49
Навоий	1,31	46,75
Қашқадарё	1,08	35,98
Республика бўйича	1,63	61,86

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.






Тошкентдаги 5-таксопаркнинг юзга яқин ҳайдовчиси шу кунларда Сирдарё областидаги Меҳнатобод районига қарашли «Страна Советов» совхозида пахта термоқда. Ўтган беш кунлик якунларга кўра Ф. Мансуров бошлиқ 3-автоколонна ҳайдовчилари социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, биринчи ўринни, Б. Кузнецов раҳбарлигидаги 4-автоколонна ҳашарчилари иккинчи ўринни эгаллашди.

Ҳашарчилар шу кунгача қарийб 30 тонна «оқ олтин» теришди.

Айни долзарб кунларнинг қадрига етган ҳайдовчилар бу йилги ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш, республикамизнинг шонли юбилейига муносиб совға ҳозирлаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 5-таксопарк ҳайдовчилари йиғим-теримда.



ЗАРБДОР СУРЪАТ

БУГУН

Куйбишев, Ленин Октябрь ва Ҳамза районларининг корхона ва ташкилотларидан пойтахт области хўжаликларига ҳашарга борган ишчи ва хизматчиларнинг мавсум бошидан буён терган «оқ олтин»и 4 минг тоннага етди. Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларида хирмонга 1,2 минг тоннадан ортиқ ҳосил тўккан куйбишевликлар областнинг катта хирмонига салмоқли ҳисса қўшишди. Пискент районида пойтахтнинг Октябрь райони, Чинозда эса Ленин райони меҳнаткашлари терим суръатини тезлаштиришяпти.

АДИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ


Бир гуруҳ адибларнинг Чиноз район меҳнаткашлари билан учрашувлари «Пахтакор меҳнатини шарафлаймиз» шиори остида ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлими йўлланмаси билан П. Мўмин, М. Худойқулов, А. Эшонов, Т. Малик, Ш. Қурбон ва бошқалар районнинг Охунбобоев, Энгельс номли ва бошқа бир қатор хўжаликларида меҳмон бўлдилар. Улар колхозчилар ва шаҳарлик ҳашарчилар билан учрашдилар. Бу учрашувларда адиблар ўзларининг пахтакор меҳнатини шарафловчи янги асарларидан ўқиб бердилар.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ БЕЗАКЛАРИ

Тошкентдаги керамика заводининг безакчи мутахассислари бригадаси пойтахт метросининг «Тошкент» станциясида бадиий безаш ишларини ниҳоясига етказдилар. Сополдан ишланган нафис тематик композицияларметро деворларини жозибали безади. Бу манзаралар «Навқирон Тошкент», «Дўстлик», «Тошкент — тинчлик шаҳри» ва бошқа номлар билан аталади. Бу картиналарнинг муаллифи санъаткор С. Султонмуродов дир. Бундан ташқари станциянинг ён атрофлари рассом О. Хабибуллин эскизлари асосида тасвирланган шаҳримиз гербн ва рамзий бахт қуши тасвири билан безакланди.

Корхона ижодкорлари шу билан пойтахтимизда метронинг бешинчи станциясини бадиий безаб бердилар.

ШАХМАТ



МОСКВА. Бугун бу ерда шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун совет гроссмейстерлари А. Карпов — Г. Каспаров ўртасидаги матчининг навбатдаги ўн бешинчи партияси ўйналади.

* * *

ВОЛГОГРАД. Бугун аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг кечиктирилган ўн учинчи партияси давом эттирилади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Узторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг алюминий қотишмаларни заводида қуюв цехи реконструкция қилингандан кейин махсус такомиллаштирилган мослама билан бошқарилувчи янги печь ишга туширилди. Бу ускунани «Средазэнергоцветмет» институтининг мутахассислари ишлаб чиқаришга жорий этдилар.

Қизил байроқли Туркистон Ҳарбий округининг тарих музейида Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи қозонган тарихий Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб тантанали линейка ўтказилди. Унда асосан республика комсомол мактабининг тинглovчилари қатнашдилар. Маросимда уруш ветеранлари йиғилганларга алангали йилларнинг қаҳрамонликлари тўғрисида гапириб бердилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 24 даража иссиқ бўлади. Бугун кечаси 13—15, эртага кундузи 23—26 даража иссиқ бўлади.

ИШЧИ—ҲАМКАСБИ ҲАҚИДА

ЎЗ ИШИНИНГ УСТАСИ

Бизнинг коллективимизда ўз фидокорона меҳнатлари эвазига юксак унумдорликка эришаётган Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалерлари бўлган ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Владимир Киян бошлиқ цехда ҳам ана шундай тажрибали ишчилар борлиги кишини қувонтиради. Тоҳир Муслимов, Александр Савельев, Маҳаммаджон Жалолов ва слесарь Виктор Сергиенколар шулар жумласидандир.

Ҳар қандай тажриба, малака ҳам чин дилдан қилинган меҳнат ва интилиш эвазига қўлга киритилади. Юқорида номлари тилга олинган ишчилар корхонамизнинг ана шундай малакали кадрларидир. Уларнинг бутун қобилияти ўз меҳнатсеварлиги билан белгиланади. Бу уларнинг яхши меҳнат қилишларини таъминламоқда.

Тоҳир Муслимов цехда 27 йилдан бери ишлаб келади. У бугунги кунда олтинчи разряднинг эгаси. Ишлаб чиқараётган маҳсулоти юксак сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Маҳаммаджон Жалолов бўлса 22 йилдан бери ишчи. Олтинчи разрядли бу фидокор коллектив ютуқларига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Бу илғорлар план-топшириқларини ритмик ортиғи билан оширибгина бажариш билан бирга, ёш ишчиларга ҳам мураббийлик қилишяпти.

Яқиндагина слесарь-йиғувчилар Т. Муслимов ва М. Жалоловларга деталларнинг катта туркумини тайёрлашни ишониб топширишди. Моҳир металлистлар ўзлари ихтирочилик қилиб янги мослама яратишга муваффақ бўлишди. Бу мослама ёрдамида барча деталларни юқори сифат билан тайёрлашга эришилди.

Ҳар бир ишчининг иш услуби анжомлар қутисидан бошланади, десак хато қилмаймиз. Силлиқловчи Александр Савельевда ана шундай қутилардан учта. Бу қутиларда ҳар бир иш асбоблари алоҳида тартиб билан териб қўйилган А. Савельев ўз ишига жуда эҳтиёткор. Авайлаб, тартиб-интизом билан меҳнат қилиши унга муваффақият келтирмоқда. У тайёрлаётган деталларнинг юксак сифатлилиги сири ҳам шу тартиб-интизомда бўлса керак.

А. Савельевнинг ҳар бир иш куни ижодий изланишлар билан тўла. Топшириқни қандай қилиб муваффақиятли бажариш, металл тежамкорлигига эътибор бериш, ишлаб чиқаришни сифатини яхшилаш каби масалалар унинг доим диққат марказида. Ўз маҳоратини янада такомиллаштириш учун А. Савельев турдош касбларни ҳам пухта ўрганди. Ҳозирги кунда у барча ишни муваффақият билан бемалол эплаб кетади.

Моҳир силлиқловчининг заводда ишлаётганига 27 йил бўлди. Олтинчи разрядли ишчидан бугунги кунда ишлаб чиқаришга биринчи марта қадам қўяётган ёшлар кўп нарсаларни ўрганишмоқда. Евгений Пресняков ва Владимир Гришин сингари унинг собиқ шогирдлари айни пайтда устоз билан елкама-елка туриб, у забт этаётган марраларни эгаллашяпти. Шунинг учун бу фидокорлар коммунистик меҳнат зарбдори деган номни оқлаяпти, деб бемалол айтиш мумкин.

Корхонамиздаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалерларидан бутун коллектив фахрланади. Шу ерда йигирма йилдан бери пешона тери тўкиб келаётган Виктор Сергиенконинг ҳам хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Тажрибалилиги туфайли унга энг мураккаб деталларни тайёрлаш ишониб топширилган. Викторнинг бирор бир детални брак қилиб тайёрлаганини цех коллективи ҳали билмайди.

Слесарь В. Сергиенко коллективда фақатгина ўз ишининг устаси эмас, балки меҳрибон мураббий сифатида ҳам ном қозонган. У ёш ишчиларга қатъий меҳнат режимига риоя қилиш, замонавий техникани юксак малака билан ўзлаштиришни мунтазам уқтириб туради. Ўз иши билан уларга ибрат бўлади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги ва совет халқи немис-фашист босқинчиларини устидан қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган оммавий ҳаракат қизғин тус олган ҳозирги кунларда катта коллективимиз қаторида цехимиз фидокорлари ҳам алоҳида ғайратшижоат билан меҳнат қилишяпти. Булар ана шу шонли саналарни меҳнатда улкан зафарлар билан кутиб олиш, ҳаётимиз ва жамиятимиз фаровонлиги йўлида жонкуярлик кўрсатишга камарбасталар.

С. ЧИНАЕВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси силлиқловчиси.



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмасининг 2-коммунистик меҳнат цехи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йилида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Цех аъзолари тикаётган эркаклар костюми доимо харидорлар томонидан яхши қабул қилиняпти.

СУРАТДА: цех техника контроли бўлимининг контролёрлари Серафима Ким ва Валида Турсунхўжаева тайёр маҳсулотларни савдо ташкилотларига жўнатиш учун тайёрлашмоқда. Бу илғор ишчилар шу кунларда 1985 йил ҳисобига меҳнат қилишаётир.

М. Нуриддинов фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ХАТЛАР



Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг меҳнат ветерани Виктор Горянов бошлиқ бўлган бригадаси коллективи айни кунларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Бригада коллективи кунлик топшириқни 120—130 поцентга адо этиб, бажарилган ишнинг сифатли ва самарали бўлишига эришаётир. Бу ерда меҳнат интизомига алоҳида эътибор берилиб, меҳнат илғорларни ўз вақтида рағбатлантириб бориляпти. Коммунист бош бўлган коллектив ремонт ишларини пухта бажариб, тепловозларнинг самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

СУРАТДА: коммунист Виктор Горянов бошлиқ ремонтчилар бригадаси.

В. Таматаев фотоси.

• Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари—ҳаётга!

Талабчанликни ошириб

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, область ва шаҳар партия комитетларининг пленумлари партия, давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни янада яхшилашнинг катта вазифаларини белгилаб берди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг йирик ишлаб чиқаришларидан бири —2-тўқув фабрикасининг 1-цехи коммунистлари ҳам кадрлар қўнимсизлиги ва прогулларга, меҳнат интизомини бузиш ҳолларига қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Цех партия ташкилоти составида йигирма коммунист бор. Бугунги кунда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда улар ҳиссаси салмоқли бўляпти. Лекин, хотиржамланишга ҳали умуман эрта. Чунки, коллективда ҳамон кадрлар қўнимсизлиги юқори. Интизомни бузувчи ва прогулчиларга нисбатан етарлича чоралар кўрилмаяпти. Ўтган йили 21 ишчи план-топшириқни уддалай олмаган бўлса, бу йил уларнинг сони 45 га етди. Ўтган йили 11 киши ишга қабул қилиниб, 21 ишчи ишдан бўшаган бўлса, бу йил 8 киши ишга қабул қилиниб, 12 ишчи бўшаган. Шу фактлардан ҳам кўриниб турибдики, аҳвол ўтган йилгидан деярли ўзгармаган. Бу эса участка коммунистлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Шу кунларда кадрларни мустаҳкамлаш ва мураббийчилик ҳаракати бўйича партия ташкилоти сезиларли фаолият кўрсатмоқда. Ёшларга касб ўргатиш ва танланган касбга ёшлар қалбида муҳаббат уйғотиш, улар маҳоратини ўстириш энг асосий масалага айланган. Бинобарин, бу ерда мураббийлар сафи тобора ўсиб бормоқда.

—Комбинат қошидаги ҳунартехника билим юрти қизлари орасида прогул қилиш, интизомни бузиш ҳоллари айниқса кўп учрайди, —дейди ишлаб чиқариш мудирининг ўринбосари Г. И. Петеренко. —Улар билан сидқидилдан иш олиб бориш зарур. Бу —мураббийлар зиммасидаги асосий вазифа.

Яқинда бўлиб ўтган цех ҳисобот-сайлов йиғилишида И. Мадаминов, Артёмова, Осипов сингари коммунистлар мавжуд резервлардан оқилона фойдаланиш, йўл қўйилган нуқсонларга бефарқ қарамаслик зарурлиги ҳақида гапиришган эди. Йиғилиш қарорини изчил амалга ошириш учун курашаётган партия ташкилоти секретари Гулнора Сеитова етакчилигида коммунистлар интизомни кучайтириш, мавжуд нуқсонларга тезроқ барҳам беришга интилмоқдалар. Ҳозир бутун эътибор ана шунга қаратилмоқда.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА.

• РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАР ИЗИДАН

ВАЪДА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

ЁКИ УЙ-ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧАСТКАСИДА АҲОЛИ ШИКОЯТИГА НЕГА БЕФАРҚ ҚАРАЛМОҚДА?

«52-уй-жойлардан фойдаланиш участкасидагиларнинг (бошлиғи У. Аюпов) хизматидан норозимиз. Мана бир неча ой бўлди ертўламизни сув босган, чора кўришмайди. Уйимизда қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича ҳеч қандай ишлар амалга оширилмади. Ўтган қишда хоналаримиз совуқлигидан қийналган эдик. Наҳотки, бу йил ҳам совуқда ўтирсак!».

ТУРСУНОВ, ХАКИМОВ, ОСМОНОВ ва бошқалар, «Марказ—26» кварталн 82, 84-уй.

«1982 йил қишда уймдагн батареялар ёрилиб кетдн. 52-ЖЭУга мурожаат қилдим. Слесарлар келишиб, батареяларни олиб қувурларга тўсқич ўрнатиб кетишдн. Батарея ўрнатиш учун ЖЭУдагиларга мурожаат қилсам трестга борнинг дейишадн. Трестдагилар яна 52-ЖЭУга учрашишимни айтишадн. Бормаган жойимм қолмадн. Комиссия келиб «алмаштириш керак, батареяларни албатта қўйиб берамиз» деб ваъда бершадн. Лекин ҳамма гап оғизда...»

М. МАҚСУДОВА, «Марказ—26» кварталн, 27-уй, 11-квартира.

Бу нима деган гап? Аҳоли ёрдам сўраб, мурожаат қилса-ю бевосита мутасадди ташкилотлар ўз вазифасини бажариши керак бўлган шахслар уларнинг шикоятига бефарқ қараб, сарсон қилишса? Аҳоли шикояти ва бюртмаларн қандай бажарилаётганлиги билан яқиндан танишиш мақсадида Октябрь район уй-жойлардан фойдаланиш трести раҳбарларига қўнғироқ қилиб, трест бошлиқлари меҳнаткашларни қайси куни қабул қилишини сўрадик. Трест бошлиғи В. Черкашин жума куни соат 18 дан 21 гача, шанба куни соат 14 дан 18 гача қабул қилишини айтишди. Жума куни соат 18.00 да у киши ҳузурида бўлиб, бир соат кутдим. Қабулхонада ўтирган диспетчер В. Смирнова бошлиқ бугун бўлмаслигини ва қаёққадир мажлисга кетганлигини айтди. Бошлиқни кутиб ўтирганлар бу сўзни эшитиб, хафсалалари пир бўлди. «Ҳеч қачон ўрнида бўлмайди, топиш жуда қийин» деб бирин-кетин чиқиб кетишди. Шу вақт телефон жиринглаб, 64-ЖЭУ (бошлиғи М. Абдусаматов) диспетчери Н. Ҳусанова Чорсу массивидаги 7-уйнинг 6-подъездидаги камчилик ҳалигача бартараф этилмаганлигини маълум қилди. Ваҳоланки, марказий диспетчер В. Смирнова (телефони 42-03-81) столи устида ана шу Чорсудаги 7-уйда яшовчи Раҳимов томонидан қўл қўйилиб, «Авария бўлган жойни топа олишмади» деган справка турарди.

Биз марказий диспетчердан телефон орқали қабул қилинадиган аварияларнинг қандай бажарилганлигини сўраб қайд қилиб бориладиган дафтарни кўздан кечирдик. Шу кунлари аҳолидан 27 буюртма қабул қилинган. Буларнинг асосан 19 таси қувурларга ҳар хил чиқиндилар тиқилиб қолиши натижасида хонадонларда сув тошганлиги ҳақидаги шикоятлардир. Уларнинг деярли ҳаммаси бартараф этилган. Лекин қувур, батарея ва бошқа иссиқлик тармоқларига оид ишларнинг еттитаси бартараф этилмаган. Лекин ваъда қуюқ берилади...

Шу йилнинг 1 июлидан бери 54 та уйнинг ертўласини сув босди. Шундан саккизтаси (агар кўпаймаган бўлса) жумладан 82, 84-уйларнинг ертўласидаги сувлар ҳалигача чиқариб ташланмаган.

Уйларнинг ертўласидаги иссиқлик тармоқларини қиш мавсумига тайёрлаш, баъзи уйлардаги томдан тўғаётган чакналарни бартараф этиш масаласи ҳам қониқарли эмас.

Октябрь районидаги уй-жойлардан фойдаланиш трестининг ЖЭУларни аҳолига яхши хизмат кўрсатмаётганлигининг сабаби фақат ваъда билан иш бажаришга ўрганиб қолишганлигидадир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида айтилганидек: «Айрим раҳбарларнинг қўйилган вазифаларни ҳал қилишдан ўзларини олиб қочишлари, масъулиятни бошқаларнинг зиммасига юклашга уринишлари, ўз ишларидаги хато ва камчиликларни ҳар хил сабабларни қийинчиликлар билан ҳаспўшлашга уринишларига қатъий чек қўйилсин». Ана шундай?! Ким ишлашни хоҳламаса сабаб қидиради, ким ишлашни хоҳласа имконият қидиради.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

•

ДИЛОЗОР ТАКСИЧИ

22 сентябрь куни янги ТошМИда кеч соат тўққизларда ёнимизга бир такси келиб тўхтади ва машинага биринчи бўлиб уч йигит чиқди.

— Хадра томонга юрасиларми, — деб сўрадим.

Ҳайдовчи бош иргаб, «ўтиринг» деди.

Уч йўловчи Студентлар шаҳарчасига етмасдан бир сўм бериб тушиб қолишди. Чиғатой бекатидан яна икки йўловчи машинага ўтиришиб икки километр юрар-юрмас бир сўм тўлаб тушишди. Шунда машинага яна икки йигит чиқишиб, «Ганга» магазинигача келишди ва 1 сўм бериб тушишди.

Мен бир ўзим қолгач ҳайдовчидан Олмазор кўчасига элтиб қўйишини илтимос қилдим. Кўнмади. Такси счётчиги 2 сўм кўрсатгани учун 5 сўм бериб 1 сўм олиб қолишини сўрадим. Чунки ҳайдовчи йўлда келаётганимизда уч сўм ишлаб олган эди. У кўнмади, 2 сўм олиб қолди ва оғзига келган сўзлар билан ҳақорат қилиб, жўнаб кетди. Лекин машина номери эсимда қолди: 48—33 ТНД. Йўловчилар дилини оғритиб, садақа йиғадиган бундай ҳайдовчиларни ким тартибга чақиради?

Ж. АБДУХАЛИЛОВ.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ЯНГИ КОРХОНА

Машиий чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича янги заводни яратиш тўғрисидаги масала ҳал этилди. У Тошкент область, Калинин районидаги «Пархтня XX съезди» колхози территориясида жойлашади. Янги корхона ҳар йили Тошкент шаҳридан олинадиган 400 минг кубометргача чиқиндини қайта ишлайди. Бу ерда чорва озуқаси учун (100 минг тонна атрофида) донадор озуқа, иккиламчи қора металл тайёрланади. Заводни лойиҳалаш «Узкимпромеспром» институти коллективига топширилган.

М. ПЎЛАТОВ.

...МАҚТАЙДИ...

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Шаҳримиздаги 128-алоқа бўлими ходимларининг аксарнятн ўз хизмат вазифасини виждонан ўтаб, ҳурматга сазовор бўлишган. Мазкур алоқа бўлими почтальони С. Назаров, нашрларни сараловчилар — Р. Асадулина ва А. Кузнецовалар ана шундай фидойи кишилар. Уларнинг масъулият билан ишлаши туфайли биз ҳамиша обуна бўлган газета ва журналларимизни ўз вақтида оламиз, истаган пайтда керакли маълумотлар олиш имконнмиз бор.

Биз уччала илғор ходимдан шаҳримиздаги бошқа алоқа бўлимларн хизматчиларн ҳам ўрнак олишнни истардик.

Э. ЙЎЛДОШЕВ, А. СУЛТОНОВ Г. ПАНКРАТОВ ва бошқалар.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛАРДИ

76-маршрутли автобус хизматидан жуда кўп йўловчилар фойдаланишади. Айниқса эрталаб ва кечки пайт бу маршрутдаги автобусда йўловчи сероб бўлади. Бизнинг бирдан-бир истагимиз ана шу маршрутдаги «ПАЗ—676» маршрутли автобус ўрнига кўп йўловчилар кетадиган «ЛиАЗ» маркадаги автобуслар қўйилса йўловчиларга қулай бўларди.

А. ТОЛИПОВ, хизматчи.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ЗИМИСТОН КЎЧА

Мана олти ойдирки кўчамиздаги симёғочларга ўрнатилган лампочкалар ёнмайди. Сабабни симёғочлардаги патронларни электр тармоқларидаги хизматчилар олиб кетишиб, қайта ўрнатиб беришмади. Ҳадемай, қишнинг қировли, қоронғи кунларн бошланади. Наҳотки, мактабга, боғчага борадиган фарзандларимиз қоронғида тургинниб-сургинниб юришса!

Биз бу ҳақда районнмиздаги ва шаҳар электр тармоқлари корхонасидагн мутасаддн раҳбарларни хабардор этдик. Аммо аризамиз натижасиз қолмоқда.

А. НЕЪМАТЖОНОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Зайцев кўчаси, 18-уй.

• «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚАРОВСИЗ» АВТОМОБИЛЬ

Тошкент шҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг ходимлари тайёрлаган ва газетанинг шу йил 21 август сонида эълон қилинган рейд материали ана шундай номланган эдн. Унда давлат секторн автомобилларини сақлаш ва эксплуатация қилиш қондаларининг бузилиш фактларн келтирилган эдн. Ушбу мақолага жавоб берадилар:

А. АКОПЯН, Тошкент «Узоптбакалея»нинг Тошкент улгуржи савдо базаси директорининг ўринбосарн:

«Тунги вақтда ҳақ тўланадиган автомобиллар турнш жойидаги автомобиллар қаторида бизнинг ташкилотга қарашли 19—10 ТНС номерли «ГАЗ—69» машнаси ҳам бор эди. Ҳайдовчи Е. Бобрицкийга автомашиналарни сақлаш қоидаларини бузганлиги учун база бўйича шу йил 6 августда чиқарилган буйруқ билан виговор эълон қилинди. Буйруқ барча ҳайдовчилар ўртасида ишлаб чиқилди.

Р. ИСМОИЛОВ, «Ташгортранс» экспедиция» бирлашмасининг бошлиғи:

«25—08 ТНП» номерли «ЕРАЗ —762» давлат автомобилини тунги вақтда ҳақ тўланадиган автомобиллар турнш жойида сақлаганлиги учун бирлашма бўйича чиқарилган буйруқ билан ҳайдовчи Р. Гильмутдинова қаттиқ виговор эълон қилинди ва у август ойи учун мукофотдан тўла маҳрум этилди. Шу буйруқ билан автоколонна бошлиғи Ш. Сейтвелиевга ҳайдовчилар ўртасида снёсий-тарбиявий ишлар бўш эканлнги кўрсатиб ўтилди.

Бирлашмада бундан буён ана шундай ҳолларга йўл қўймаслик учун барча чоралар кўрилади».

Б. ХАЛАМЕЙЗЕР, аҳолига транспорт-экспедиция хизматн кўрсатнш бўйнча «Узтрансэкспедиция» бошқармаси бошлиғи вазифасини ижро этувчи:

«Қаровсиз» автомобиль» мақоласи «Ташгортрансэкспедиция» бирлашмаси раҳбарларининг иштирокида бошқармаиинг кенгайтирилган советида муҳокама этилди. «Ташгортрансэкспедиция» бирлашмасининг бошлиғи Р. Исмоиловга мақолада келтирилган фактларга йўл қўйиб бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Давлат автомобилининг тунги вақтда гараж территориясидан ташқарида сақланишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди».

М. АЛИЕВ, марказлашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трестининг бошқарувчиси:

Автотранспорт корхоналарининг барча раҳбарларига мазкур мақолани коллективларнинг умумий йиғилишларида ишлаб чиқиш, шу хилдаги фактларга йўл қўймаслик юзасидан тадбирларни кўриш, автотранспорт корхонаси гаражидан ташқарида автомобилларнинг сақланишини қатъиян ман этиш бўйича кўрсатма берилди.

Хизмат автомобилини тунги вақтда гараждан ташқарида сақлаганлиги учун 39-автотранспорт корхонаси бўйича чиқарилган буйруқ билан автотранспорт корхонасининг ҳаракат хавфсизлиги бўйича катта инженери А. Ефремовга виговор эълон қилинди.

«Қабул қилиш акти вакўчиб кириш факти»

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 26 июль сонида эълон қилинган мақола ана шундай номланган эдн. Унда Юнусободнинг 19-кварталида қабул комиссняси томонидан яхши баҳо (қониқарли) билан қабул қилинган 7, 12, 11, 29-уйларга қурувчилар йўл қўйган камчиликлар сабабли квартира эгалари кўчиб кира олмаганликлари ҳақида ҳикоя қилинган эдн.

Газета мақоласига I-уйсозлик комбинатидан жавоб олинди. Унда қуйидагилар маълум қилинади: ҳозирги вақтда 7, 11, 12, 29-уйларга квартира эгалари кўчиб киришган. Зорькина ва Моисеенколарнинг квартираларида пол қайтадан бўяб чиқилади.

«Қабул қилиш акти ва кўчиб кириш факти» мақоласи комбинатнинг қурилиш бўлинмалари раҳбарлари билан ишлаб чиқариш кенгашида ва партия комитетининг мажлисида муҳокама этилди.

Комбинатда қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш ва квартира эгаларининг шикоятлари олдини олиш бўйича қўшимча чоралар кўрилди.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

19 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

Улар орадан ... йил ўтгандан ... ана дийдор кўр... ди. Уларнинг ... ожик Мирзо Бо... ров, Тожи... Компартияси ... ий Комитети ... каориф уйининг ... ди ва иккинчи... валик конст... рус Юрий Ив... Дронов — соб... гемётчи ва уни... ик командири ... Очлари оқарган ... иши— кўзлари... либ, бир-бирин... ам қучоқлашди... Улар биринчи... а 1944 йилнинг... ида учрашган ... ушанда ўқув б... ига, кичик ле... Дронов взводига ... кистондан ёш...

Д. ҲОШИМОВ: ... газета ва журнал... вом этмоқда. «Тош... газетасига обуна бў... га бир йўла газетани... кая неделя»си учун ... лишим мумкинми?

Жавоб: «Тошкент ... таси учун обуна ... барча «Союзпечать» ... чекланмаган миқдор... линмоқда. Газетани... кая неделя»си учун ... вом этмоқда. Бир ... тийин.

Справка шаҳар ... агентлигидан олинди... часи, 2-уй. Телефон 3...

О. КАРИМОВА: ... репродукторнинг бир ... овози жуда паст. ... да шунақами десам ... нинг репродуктори ... паст ишлаётган экан... да қаерга мурожаат ... ди?

Жавоб: Бунинг учун ... диоэшиттириш узелига ... қилинг. Ремонт қилиш ... телефони 33-17-10. ... сутка ичида бажарил...

Справка шаҳар ... риш узелидан олинди. ... монова кўчаси, 31-уй. ... 32-26-32.

Р. ФАТТОҲОВ: ... ги лампочкалар бағоят ... тез куйдики алмаштир... чайсан. Янги лампочка... дан сотиб олиб қўйиш ... лол келади. Подъездда... ган лампочкаларни ўзга... риш кимнинг вазифаси...

Жавоб: Шаҳарда 200 ... ортиқ квартира бор. Уй... фойдаланиш участкаси... ги кўчиб келган уйга, ... линган уйга патрон, ... лампочка қўйиб кетишади... кўп вақт ўтмай синиши... мумкин. Ана шунда ... яшовчилар ўзлари вақт... лан лампочкаларни ... туришлари керак.

Справка шаҳар уй-жой ... масидан олинди. Проспект ... 6-уй. Телефони 33-37-66.

С. ЛАТИПОВ: Яшаш... мизнинг ертўласидаги қу... киндилар ёпишиб, бирга... даги қўшнимизнинг хонад... босди. ЖЭУдагиларга ... дан ташқарида экан, бу... ишимиз эмас, қўшнига ... тузатиб кетишади дейишди... тўғрими?

Жавоб: Тўғри. Биноннг ... рисидаги қувурда бажа... бундай ишларни шаҳар ... ция тармоқлари хизмат... жаришади. Уйларнинг ... иссиқ сув ўтадиган ... ёрилса «Таштеплокомм... ишлаб чиқариш бирлаш... тараф этади. Барибир сиз ... да ўзингиз истиқомат ... ган райондаги ЖЭУга ... қилишингиз керак. У ер... батчи ёки диспетчер ... раларга қўнғироқ қилиб ... ларни йўқотишга ёрдам ...

Справка шаҳар уй-жой ... масидан олинди. Проспект ... 6-уй. Телефон 33-37-66.

А. ЛАБУТИН: Подъ... эшиклар, баъзи форточ... ойналари очиқ қолиши ... да синдирилади, ... олиб ташланади. Бунга ... ким жавоб беради?

Жавоб: Тошкент шаҳ... ат тартиби, ободонлаш... санитария қоидалари ... халқ депутатлари Тош... Советининг қарорида ... шундай дейилади: уй-жой ... ва умумжиҳозларига ... зишда айбдор шахслар... дек уй хўжалиги санит... тини бузувчиларга нисба... талабчанлик кўрсатмаш... лардан фойдаланиш уч... район уй-жой бошқарм... министрликлар ҳамда ... ларнинг уй-жой хўжалик... лари бунинг учун шахс... гардирлар.

Справка шаҳар уй-жой ... масидан олинди. Проспект ... си, 6-уй. Телефони 33-...

Шаҳар уй-жой бошқ... қарашли ҳар бир район... ган марказий аварня дис... бўлимларининг адрес ва ... ларини маълум қилинг...

Чилонзор райони — ... майдони, 25-«а» уй, тел... 52-66; Ленин райони — ... кўчаси, 14-уй, телефон ... Куйбишев райони— Лом... часи, 56-уй, телефон ... Акмал Икромов райони ... квартал, 44-уй, телефон ... 61; Собир Раҳимов райо... данинт кўчаси, 1-проезд, ... телефони— 29-26-26. Бе... они— Энгельс кўчаси, 6/... фони —33-11-27; Октябрь ... Беруний кўчаси, 6/7, ... 42-03-81; Сергели райо... дош шаҳарчаси, 10-квар... уй, телефони —55-33-0... райони —Глинка кўчаси, ... лефони — 56-54-39;

Жангда коммунист бўлган эди

Улар орадан қирқ йил ўтгандан кейин ҳам дийдор кўришишдилар. Уларнинг бири — Тожикистон Компартияси Марказий Комитети сиёсий ходими Мирзо Бобожонов, иккинчиси — Москва конструктор бюроси Юрий Иванович Дронов — собиқ пулемётчи ва унинг собиқ командири эди. Учрашган икки дўст — қўлларига ёғ юқтириб, бир-бирини маҳкам қучоқлашди.

Улар биринчи марта 1944 йилнинг январида учрашгандилар. Ғўшанда ўқув батальонига, кичик лейтенант Дронов взводига Тожикистондан ёш йигит ҳам янгилар қатори келган эди. У пулемёт взводига тасодифан тушиб қолгани йўқ: бу ҳақда қўмондонликдан астойдил илтимос қилди.

Пулемётдан ўт очиш усталарини тайёрлаб чиқарган «Дронов мактаби»ни 5-гвардиячи армиянинг 97-дивизиясида яхши билишарди. Мирзо Бобожонов моҳир ва жасур жангчи бўлиб қолди, унга 265-рақамли пулемёт топширилди. Пулемётчи шарафини муқаддас билиб сақлаш тўғрисида Ю. Дроновга берган ваъдасига содиқ қолган М. Бобожонов ўз қуроли билан Днестрдан Одергача оловли йўлларни босиб ўтди. 5-гвардиячи армиянинг собиқ қўмондони, армия генерали А. С. Жадов «Урушнинг тўрт йили» китобида шундай деб ёзган: «Днестрда кўпгина жанговар жасоратлар кўрсатилди. Ўн тўққиз яшар пулемётчи Мирзо Бобожонов ёдда қолди. Бобожонов ўз пулемёти билан икки кеча-кундуз душманнинг тумшуғи остида бўлиб, гитлерчиларнинг бир қанча атакаларини даф этди».

Мана, фронт йиллари музейининг яна бир ёдгорлиги —«Сандомир плацдарми қаҳрамонлари» плакатида жанг эпизодларидан бири тикланган: «немислар бизни Вислонинг нариги томонига улоқтириб ташлашга уриндилар. Улар танк ва пиёда аскарларининг катта-катта кучларини жангга киритдилар. Аммо гвардиячи баҳодирлар «тигр» танкларининг йўлини тўсдилар. Қулоғи эшитмай, тилдан қолган контузияланган гвардиячи катта сержант Мирзо Бобожонов жанг майдонини тарк этмади. Унинг кўзлари душманни кўрар, бармоқлари эса «максим» дастасини қисар, у фашистларни қиришни давом эттирарди. Гитлерчилар пулемётчиларнинг окопига жуда яқинлашиб қолиб, гранаталар билан жанг бошлаганида Мирзо жароҳатланган эди. У ярасини апил-тапил боғлаб, жангни давом эттирди. Қаҳрамон комсомол бир жангда гитлерчиларнинг бир взводга қадарини қириб ташлади ва икки ўт очиш нуқтасини яксон қилди. Сандомир плацдармида Мирзо Бобожоновни партияга қабул қилишди.

Пулемётчига икки Қизил Байроқ ордени, Шуҳрат ордени ва медаллар топширилди.

В. ФРОЛОВ.





Тува АССР — совет ҳокимиятн йилларида беқиёс ўзгариб, экономикаси тараққий этган республикалардан бирига айланди. Автоном республиканинг пойтахти Кизил шаҳрида кўплаб маданий-маиший бинолар, турар жойлар қад кўтарди. Меҳнаткашларнинг турмуш янада яхшиланди.

СУРАТЛАРДА: чапда — Кизил шаҳрининг кўриниши, ўнгда —«Победа» совхозининг механизатори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. О. Янчат онласи. Совхозда илғор механизаторининг хотини Каракис ва қизи Рита ҳам меҳнат қилишади.

Е. Недерн фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

● ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ● МУЪЖИЗАСИЗ МУЪЖИЗАЛАР ● УСИМЛИКЛАР РИВОЖИГА ОМИЛ БЎЛАДИ ● ҲАР БИР ҲАШАРОТНИНГ ТАБИАТДА УРНИ БОР.

● Билиб қўйган яхши

Жонли «метеоролог»лар

Инсон — табиат фарзанди, инсон ҳаётн табиат билан боғлиқ, зеро инсон ана шу табиатнинг бир бўлаги. Одам ақлнны табиатдаги ҳодисаларни диққат билан кузатиб боради.

Ҳайвонлардаги баъзи бир ўзгаришларга қараб ҳилимни олдиндан айтиб бериш ҳодисаси жуда қадим замонларданоқ мавжуд. Айни кунларда табиатшунос-олимларнинг кузатишларича, обҳавонн 400 дан ортиқ наботот вакили, 600 хил жониворлар ҳолатига қараб олдиндан фикрлаш мумкин экан. Биз бу борада аниқ илмий маълумотни эмас, балки халқ ўртасида қўлланиб келаётган, амалда бир муича ҳақиқатга яқин бўлган икки хил манбанн сиз азиз оқшомхонларга ҳавола қилямпмиз.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИДА

● От хирилласа ҳаво айнийди.

● Ўргимчакнинг ин ура бошлаши — ҳаво очилиб кетишидан, ининг ўртасида қинирламай турини — эмғирдан дарак беради.

● Мол кундузи тувни кам ичса ёки мудраса ёмғир ёғиши кутилади.

● Бошингиз устидан тўп-тўп чиртак учиб юрса—ҳаво очиқ бўлади.

● Моллар кечки пайт далада иштаҳа билан ўт еса, эртасига ёмғир ёғиши мумкин.

● Кўршапалакнинг ёруғ ботгач тинмай учиши—ҳаво очиқ бўлишидан дарак беради.

● Мушук сув олдинда бораверса, кўпроқ ув ичса ҳаво айнийди. Кулала бўлиб ётса—ёмғир ёғади, чалганча ётса ҳаво юришиб кетади, ҳадеворни тирнаса, ҳавонинг авзойи бузилади.

● Қарғанинг қағиллаши об-ҳавонинг айнишидан дарак беради.

● Ит бошини олд оёқлари орасига олиб, ғужанак бўлиб ётса, совуқ бўлиши кутилади.

● Майналар эрта кетса, қиш эрта тушади.

● Турналар баланд ва тўлқинли бўлиб учса қиш совуқ келади.

● Товуқлар баландроқ жойга чиқиб, патларини тозаласа, ёмғир кутиш мумкин.

● Кузда чумоли уюми кўп бўлса, қиш қаттиқ келади.

● Қалдирғоч баландроқ учса— ҳаво очиқ ва қуруқ бўлади, пастлаб учса—ёмғир ёғиши мумкин.

● Товуқлар ёмғирдан ўзини олиб қочмаса, ёмғир узоқ ёғмайди.

● Наботот вакилларида ҳам худди шундай ҳолларни кузатиш мумкин. Жумладан, карнайгул шом кирмай очилса, кечаси аёз бўлади ва ҳоказо.

АТМОСФЕРАДАГИ ҲОДИСАЛАР

● Кундузи иссиқ, кечаси совуқ бўлса—ҳаво очиқ бўлади.

● Агар кундузи ҳаво очиқ бўлиб, кечга томон туман тушса, совуқ бўлишини кутиш мумкин.

● Эрталаб туман тушса—ҳаво очилиб кетади.

● Кечга томон шамол кучайса, ҳаво айнийди.

● Янги ой туғилиши арафасида иқлим ўзгариши мумкин.

● Ой ўтов тикса—ҳаво айниши эҳтимолдан холи эмас.

● Қуёш чиқишидан олдин эсган шамол ва қора булут — ёмғир аломатидир.

● Қуёш кечқурун булутлар орқасига ўтиб ёки қорамтир—қизариб ботса, яъни шафақ тўқ қизил бўлса—эртасига ҳаво очиқ бўлади.

● Юлдузларнинг кўп жимирлаши ҳавонинг ўзгаришидан далолат беради.

● Қора булутларнинг пастлаб, тез сузиб юриши—узоқ давом этадиган ёмғир белгисидир.

Ушбу белгиларни синчиклаб кузатинг, қандай ўзгаришлар содир бўлди? Бу билан сиз табиат ҳодисаларини кузатган бўласиз. Табиат, бу—биз! Уни доим ўрганишимиз ҳаёт тақозосидир.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ, табиатшунос.

● Ҳайвонот олами сирлари

Ҳар жониворга нону-насиба

Она табиат парранда-ю-даррандалар н и, турфа жониворларни яратиб, яна уларга бир нону-насиба ҳадя этиб қўйибди. Мириштикор ва қодир табиат шунчалар саҳийки, унинг барида ҳамма жониворлар завқ билан яшайди, тоза ҳаводанда яйрайди, қушлар унга маҳд айтиб сайрайди. Табиатда қушлар, турли жониворлар, улуғ жонзод — одамнинг дўсти, фидойи хизматчиси, ҳамнафас ҳамроҳидир.

Қушлар атроф-муҳитдаги зарарли ҳашаротларни қириб, табиатга тегадиган зарарни даф этадилар. Биргина мисол. Чумчуқлар бугдойзорлардаги чигиртка кабн ҳашаротларни еб, буғдой ҳосили яхши бўлишига ҳисса қўшадилар.

Қалдирғочлар уясига бир қаранг. Ота-она қалдирғочлар уста меъмор кабн хашакдан, оғзида пишитилган лойлардан болаларн учун «ажойиб қаср» —ошиён қурган. Бу қалдирғочлар ёзни лаззат билан ўтказиб, иссиқ мамлакатларга «ували-жували» бўлиб учиб кетишган. Насиб этса, янаги йил эрта баҳорда уларнинг шўх «вижир-вижир»ларини эшитамиз.

Зилол сувлар қўйнида нима ҳодисалар бўлмайди дейсиз. Лаққа балиқ зоғора балиққчани нафс комига тортибди. Эҳтимол у бир кескин ҳаракат билан ажал комидан қутилиб кетар.

Ҳайвонот оламининг мўъжизаларини, сирларини ўрганиш кишига олам-олам завқ-шавқ, яхши дам, яхшн кайфият бағишлайди, табиатнинг миришкорлигини ўз ҳаётида тадбиқ этади.

Х. Мирзакаримов
фотолари.





ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ КУЧЛАР БИРЛАШИШИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

ПРАГА. Чехословакия ва Кампучия халқаро империализм, аввало АҚШ империализми кучлари ўтказаётган ҳарбий устунликка эришиш йўли сабабли халқаро кескинлик кучайганлигидан чуқур хавотирлик изҳор қиладилар. ЧКП Марказий Комитети Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусакнинг расмий дўстлик визити билан ЧССРга келган Кампучия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХР Министрлар Советининг Раиси Чан Си билан бу ерда бўлиб ўтган учрашуви чоғида шу нарса таъкидланди.

Томонлар ядро ҳалокатининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашда барча тараққийпарвар ва империализмга қарши кучлар бирлигини мустаҳкамлаш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Жанубн-шарқий Осиёдаги аҳволга алоҳида эътибор берилди. Г. Гусак ва Чан Си империализмнинг мазкур регион мамлакатларининг ички ишларига аралашишга уринаётганлигини қораладилар ҳамда бу мамлакатларнинг озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар.

Учрашув чоғида ЧССР билан КХР ўртасидаги муносабатлар марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларн асосида муваффақиятли ривожланаётганлиги таъкидланди.



Болгария пойтахтида ўзаро Ҳамкорлик Советн ташкил этилганлигининг 35 йиллигига бағишланган «Социалистик ҳамдўстлик» кўргазмаси очилди. Кўргазмага 200 дан ортиқ қора-оқ ва рангли суратлар қўйилган. Улар социалистик ҳамкорликнинг ёркин йўли ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

СУРАТДА: кўргазма залларида.

А. Смирнов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

КЎЛДАН ЧИҚАРСАНГ ЖАЗОСИНИ ЎЗИНГ ТОРТ

Мексиканинг Аламос штатидаги ҳамоқхона қўриқчилари агарда ўз маҳбусларини қўлдан чиқариб юборишса, уларни оғир жазо кутмоқда. Қайси бир қоровул ўз навбатчилигида маҳбусни қочириб юборса, унинг ўрнига ўзи ўтиришн керак. Бундан ташқари ҳамоқхона назоратчиси қочган маҳбус неча йилга ҳамалган бўлса, шунча ўтиришга мажбур.

«ҲАЛТИС ИҚТИСОД» ПРИНЦИПИГА АСОСЛАНГАН БЮДЖЕТ

ПАРИЖ. Франция миллат мажлисида 1985 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан мунозара бошланди. Бу ҳужжатда ҳукумат ўтказаётган «қаттиқ иқтисод» йўлининг принциплари ифодаланган.

Бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос қилиб олинган тахминларга қараганда, келгуси йилда иқтисодий ўсиш суръатлари 1 процентдан сал-пал ошади, кенг истеъмол моллариниг нархлари эса 5,2 процент кўтарилади. Шунга қарамай, иш ҳақи бу йилги даражада қолаверади. Бюджетнинг камомади рекорд даражага кўтарилиб, 140 миллиард франкка етади.

Франция экономикаси катта қийинчиликларга дуч келаётганига қарамай, ҳукумат ҳарбий харажатларни янада кўпайтиришни режалаштирмоқда. Бу ҳаражатлар 1984 йилдаги 142 миллиард франкдан келгуси йилда 150,2 миллиард франкка етказилади.

ДУШМАНЛИК ПОЗИЦИЯСИ

КОБУЛ. ГФР канцлери Г. Колнинг Покистонга қилган визити тугаганлигини шарҳлаб Бахтар агентлиги бу визитни АДРга қарши пинҳона урушни давом эттиришга гиж-гижлаш деб баҳолади. Визит чоғида Г. Коль берган ва Афғонистон Демократик Республикасига қарши қаратилган масъулиятсизлигича р ч а баёнотлар ҳам, визитнинг ўзи ҳам Афғонистон теварагида вужудга келган вазиятни бартараф этиш мақсадларига хизмат қилмади, балки бу региондаги кескинликни кучайтиришга хизмат қилди, холос. Бунинг устига визит чоғида АДРнинг ички ишларига аралашишдан иборат ишлар қилинди ҳамда Америка империализми билан халқаро реакциянинг Демократик Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушини кенгайтиришга даъват этилди. ГФРнинг афғон босмачиларига тобора кўплаб ёрдам бераётганлиги Боннинг АДРга нисбатан душманлик позициясида турганлигидан очиқ-ойдин далолат беради, деб уқтиради Бахтар агентлиги.

АҚШНИНГ АГРЕССИВ ЙЎЛИ

КИТО. Лотин Америкаси халқлари суверенитети учун курашда маданият арбобларининг доимий комитети Қўшма Штатларнинг Марказий Америкадаги сиёсатини қатъиян қоралади. Шу ташкилотнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида Гондурас, Гватемала, Сальвадор Марказий Америкадаги аҳволни бартараф этиш тўғрисида «Контадор группаси» ишлаб чиққан «Тинчлик акти»ни имзолашдан бош тортганликлари учун бутун жаҳоб-гарлик Рейган маъмурияти зиммасига юкланди.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахтининг меҳнаткашлари МХР эълон қилинганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада меҳнат унумдорлигини ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда катта ютуқларга эришдилар. Улан-Батор халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришга тўққиз ойлик планининг бажарилиш якунлари ана шундан яққол далолат бермоқда.

МХР Марказий статистика бошқармасининг бу ерда эълон қилинган ахборотида қуйидагилар таъкидланади: Улан-Батор корхоналарининг коллективлари давлат топшириқларини муваффақиятли адо этиб, саноат маҳсулотн ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,3 процент кўпайтиришга эришдилар. Меҳнат унумдорлиги режалаштирилганига нисбатан қарийб 5 процент ошди. Озиқ-овқат саноатининг меҳнатчилари, матбаачилар олдингилар қаторида бормоқдалар. Пойтахт бинокорлари қурилиш монтаж ишлари планини 11 миллион тугрикликдан кўпроқ оширнб бажардилар, алоқа, коммунал-маиший хизмат ва умумий овқатланиш корхоналари шу йилнинг тўққиз ойлик давлат топшириқларини муваффақиятли адо этдилар.

* * *

ХОШИМИН. Вьетнам жанубидаги асосий иқтисодий марказда саноат ишлаб чиқаришнинг муттасил ривожланиши халқ ҳокимиятн эришган энг муҳим ютуқлардан биридир. Хошиминдаги деярли барча индустриал бирлашмалар ҳозир ишлаб чиқариш қувватларини тиклаб, анча кенгайтирди.

ВСР Марказий статистика бошқармасининг бу ерда эълон қилинган ахборотида айтилишича, Хошиминда шу йилнинг дастлабки тўққиз ойи мобайнида 3 миллиард 785 миллион донглик саноат маҳсулотн ишлаб чиқарилган. Бу эса бутун ўтган йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига тенгдир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг кўпгина қисмига давлат секторини ривожлантириш ҳисобига эришилди. Давлат сектори ҳозирги вақтда машинасозлик, энергетика, тўқимачилик индустрияси сингари тармоқларда етакчи ўринларни эгалламоқда. Социалистик ислоҳот кенг қулоч ёзди. Ҳозир Хошимин ишчилар синфининг асосий қисми давлат корхоналарида, шунингдек ҳунармандлар ва косибларнинг кооператив бирлашмаларида меҳнат қилмоқда.

* * *

ПАРИЖ. Парижда «Метрополис—84» халқаро симпозиуми ўтказилди. Симпозиумнинг 800 дан кўпроқ қатнашчиси — жаҳондаги 31 та энг катта шаҳар намоядалари уч кун давомида шаҳарларнинг тез ривожланиши икки мингинчи йил арафасида ўртага қўйётган муаммоларини муҳокама қилдилар. Улар ана шу проблемаларнинг кўпчилиги кенг халқаро ҳамкорлик, бир-бирининг тажрибасини ўрганиш ва қабул қилиш ёрдамн билан ҳал этиш мумкин деган хулосага келдилар.

* * *

ТОКИО. Япония пойтахти демократик ташкилотларининг намоядаларн Токио яқинидаги Иокотада жойлашган Америка ҳарбий — ҳаво базаси атрофида ядро қуролига қарши марафон югурнши қилдилар. Югурувчилар бўйинларига осиб олган плакатларда «Томагавкларга йўл қўймаймиз», «Пентагон объектларига диёримизда ўрин йўқ» деган сўзлар ёзилган эди. Ядро қуролига қарши ана шу марафон югурнши Япония тинчликсевар кучларн «кузги юришн»нинг бир қисми бўлди. Японнянинг тинчликсевар кучларн Вашингтон билан тузилган «хавфсизлик шартномаси»нн узишн, ичида қанотли ракеталарн бўлган Америка кемаларининг мамлакат портларига киришнни тақиқлашнн талаб қилмоқдалар.

ЎНГГИ ТО КОЛОНКА

● ИЛТИФОТЛИ ХИЗМАТ КОНКУРСИ

«Бизда сизга нималар маъқул бўлди!» — ГДР пойтахтидаги ресторанлар, кафелар ва умумий овқатланиш корхоналарида шу савол ёзилган карточкалар пайдо бўлди. Бундан кўзда тутилган мақсад мижозларга қандай хизмат кўрсатилганн, тайёрланган овқатлар уларнинг дидига маъқул келган ёки келмаганлигн ҳақидаги фикрни билишдан иборатдир. Бу тадбир бу ерда Берлин шаҳрн умумий овқатланиш корхоналарн ичида энг яхшн деган номни олиш учун бошланган конкурс доирасида ўтказилмоқда. Бу конкурсни «Нойес Дойчланд» газета редакцияси 14-марта уюштирдн.

Конкурс «Илтифотли ва малакали хизмат кўрсатиш учун» деган шнор остида ўтмоқда ва у пойтахт сервисининг ана шу соҳасидаги илғор хизматчиларн тажрибасини умумлаштириш ҳамда ундан мижозларга хизмат кўрсатишнн янада яхшилашда фойдаланишдан иборатдир.

● КАЙФИЯТ ЯХШИ БЎЛГАНДА... ҚЎЛ ҚЎЙИНГ

Америка университетларидан бирнинг психология бўлимн мутахассисларн инсоннинг руҳнятн билан боғлиқ ҳолларда унинг қандай имзо чекишини ўрганиш юзасидан бир неча экспермментлар ўтказишди. Улар инсоннинг имзоси унинг қалб кўзгусидир, деган хулосага келдилар. Агар кишилар ҳаётдаги ёқимли воқеалардан кейин ёки бирор ишни рисоладагидек бажарганларидан сўнг имзо чексалар у нормал ҳолатдагидан бироз каттароқ ҳарфлардан иборат бўлар экан. Муваффақиятсизликдан кейин қўл қўйилган ҳолларда эса факсимилелар нормал ҳолатдагидан кичикроқ бўлар экан...

● «ЙЎЛ ШУНҚОРИ» МУКОФОТИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Швейцариянинг турли йўлларида ҳар ойда «Йўл шунқорн» деган мукофот унинг эгаларига топширнладн. Бу мукофот йўл ҳодисаларн пайтида ёрдам берган ёки авария юз берган ҳолларнинг мураккаб ёхуд баҳсли масалаларни аниқлашга кўмаклашганларга берилади. Ана шундай мукофот ва «Йўл шунқорн» фахрий ёрлиғи сентябрь ойида эр-хотни Мабилярларга Валэ йўлида топширилдн. Улар авария юз берган пайтда чидам ва жасорат намунасини кўрсатдилар. Улар олдинда кетаётган машина бошқарувнн йўқотиб тоғ йўлидан дарёга аганаб кетганда ҳам эсанкираб қолишмади ва зудлик билан чораларни кўришга киришишди: эр машина ҳайдовчисини қутқариш учун ўзини дарёга отдн, хотни эса шу ердан ўтиб кетаётган мотоциклчнни тўхтатиб яқин орадаги қишлоққа бориб у ердан «тез ёрдам» машинасини чақирдн.

●150 ҚАВАТЛИ БИНО

Осмонўпар бнноларн кўп бўлган Нью-Йорк билан Чикаго шаҳарларн ўртасндаги азалий рақобатчилик яна бир янги паллага кирди. Чикаго шаҳри Нью-Йоркдан баландлиги 443 метр бўлган 110 қаватли «Сирс тауэр» бнноси билан «ўзимб» кетгандан кейнн бу факт узоқ вақт рақибига тинчлик бермай қўйди. Нью-Йоркдаги фирмалардан бирн ўч олиш мақсадида ҳозирр Чикагода қурилган иморатдан ҳам баланд бўладиган бнноин қуриш лойиҳаси устида бош қотирмоқда. Бу ерда гап баландлиги 591 метр бўладиган 150 қаватли осмонўпар бино ҳақида кетяпти...

● ҚОҒОЗ КЕМА

Болгар инженери Веленн Николов тахтакачлар ва қоғоздан ғалати кема ясади. У Дунай узра Сандрова — Русе — Сандрово маршрутн бўйнча ўн соат шу кемаск билан сузиб борди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

19 ОКТЯБРЬ. 1984 й.



47 СССР чемпионати

БУГУН

● «ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

«ШАХТЁР» (Донецк)

«Пахтакор» Марказий стадионида олий лига командалари ўртасида футбол бўйича 47-СССР чемпионатининг навбатдаги учрашуви ўтказилади. «Пахтакор» ўз майдонида Донецкнинг «Шахтёр» коллективини қабул қилади.

Ҳамшаҳарлар и м и зинг бугунги рақиби аввалги турда Москвада маҳаллий динамочилардан 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраган. Бу уларнинг қаторасига тўртинчи мағлубиятидир. Шубҳа йўққи, донецклик футболчилар сафардаги ана шу муваффақиятсизликларга чек қўйишга ҳаракат қиладилар. Тошкентликлар эса ўзларининг кучли рақиблари устидан ғалаба қозонишга, турнир жадвалининг хавфли зонасидан бироз бўлса-да узоқлашишга ҳаракат қилишлари аниқ. Пахтакорчилар ана шу муддаоларини амалга ошира оладиларми, йўқми, кечқурун маълум бўлади.

Энди «Пахтакор»нинг бугунги рақибига доир айрим маълумотлар билан танишинг. «Шахтёр» командасига 1935 йилда асос солинган. Команда олий лига мусобақаларида 1938 йилдан бери иштирок этади (1945—1948, 1953—1954, 1972-йилларда биринчи лигада ўйнаган).

Донецклик футболчилар 1975 ва 1979-йилларда мамлакат чемпионатининг кумуш медалларига, 1951 ва 1975-йилларда бронза медалларига сазовор бўлганлар. «Шахтёр» СССР Кубогини тўрт марта (1961, 1962, 1980 ва 1983-йиллар) қўлга киритган. Яна икки марта ана шу фахрли соврин учун финал матчида иштирок этган.

Мамлакат чемпионатларида мазкур клуб учун энг кўп учрашув ўтказган ўйинчи унинг ҳозирги капитани Михаил Соколовский ҳисобланади. У команда шарафини 300 га яқин учрашувларда ҳимоя қилган. Команда тарихидаги энг мерган ҳужумчи В. Старухиндир (84 тўп). Бир мавсумда энг кўп тўп киритган клубнинг рекордчиси ҳам Старухин ҳисобланади. У 1979 йилда ана шу клуб шарафини ҳимоя қилиб, рақиблар дарбозасига 26 тўп киритган эди.

Бугунги рақиблар олий лигада ўзаро 37 марта куч синашишган. Шу учрашувларнинг 19 таси донецклик спортчиларнинг ғалабаси билан, 9 таси тошкентликларнинг ғалабаси билан тугаган, 9 учрашувда дуранг натижа қайд этилган.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИНГ!

«Тошкент оқшоми» газетасига 1985 йил учун обуна давом этмоқда. 1985 йил учун обунани шу йилнинг 1 ноябрига қадар расмийлаштириш лозим. Обунанинг баҳоси бир йилга — 7 сўм 80 тийин, олти ойга — 3 сўм 90 тийин. Обуна «Союзпечать» корхоналари, алоқа бўлимлари, ниш ва ўқиш жойларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинмоқда.

Обуна билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалар ҳамда шикоят юзасидан ушбу адресга мурожаат қилишингиз мумкин: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми» редакцияси. Телефонлар: 33-57-02, 33-29-70, 33-29-09. 33-29-33.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИҚ» АНСАМБЛИ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ГУЛОМЖОН ЁҚУБОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

IV ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИНИНГ ЛАУРЕАТИ АНВАР РУСТАМОВ

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ

Солистлар: **Дилором ҚАЮМОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Хотам ҲОЖИЕВ, Раҳимахон НОСИРОВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Лола ОҚИЛОВА.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балет-мейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МЎМИНОВ.

Мусиқа раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

19 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ОЛИЙ ЛИГАНИНГ

«ПАХТАКОР» (Тошкент)— «ШАХТЕР» (Донецк)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ КАССАЛАРИДА ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ВА КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

КИЙИМЛАР, ГИЛАМЛАР—ХИМЧИСТКАГА!

Агарда сиз кийимларни тез ва сифатли тозалаш, уларга куяга қарши махсус моддалар шимдириш, бундан ташқари гилам ёки гиламдўзлик буюмларини тозалаттириш, шунингдек уларнинг йиртиқ ёки титилган чеккасини таъмирлаш ниятида бўлсангиз бизнинг мутахассисларимиз сизга яқиндан ёрдам беришади. Улар бундан ташқари қатор юмушларни ҳам бажаришади.

Бунинг учун буюмларни тез муддатда химиявий тозалашнинг қуйидаги кўрсатилган исталган филиалига мурожаат этишингиз мумкин:

1 — Западная кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 53-20-54, 53-48-33;

2 — Пионер кўчаси, 3-уй. Телефон 53-73-13;

3 — Чимбой кўчаси, 2-уй. Телефон 46-90-26;

4 — Лисунов кўчаси, 9-уй. Телефон 96-37-41;

5 — Полторацкий кўчаси, 30-уй. Телефон 55-75-48;





6 — Беруний кўчаси. Телефон 42-56-57;

7 — Энгельс кўчаси, 60-«а» уй. Телефон 35-82-76;

8 — Биринчи Май кўчаси (Маиший хизмат уйи);

9 — Сергели (бозор).

Бу филиаллар соат 8 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ва танаффуссиз ишлайди.

Шуни эслатиб ўтамизки, пойтахтимизнинг барча районларида унинг аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида ўнлаб (тез бўлмаган) филиалларимиз ишлаб турибди.

БИЗНИНГ ХИЗМАТИМИЗДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

СОТУВЧИЛИК—КЕРАКЛИ КАСБ

Сотувчилик жуда узоқ вақтлардан буён фахрли ва одамларга керакли бўлган касбдир.

Пештахта олдида ишлаш — бу ҳар дақиқада одамлар билан лутфан муомала қилиш, уларга малакали ёрдам кўрсатиш ва эътиборли, мулойим ҳамда хайрихоҳли бўлиш демакдир.

Яхши сотувчи товарга характеристика беради, харидорни янги моллар билан қизиқтиради, бу молларнинг афзаллиги ҳақида ҳикоя қилиб беради.

БУГУН БИЗ ҚИЗЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛАЁТИРМИЗ! САВДОДА ИШЛАШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГИЗ.

СИЗ «ТАШТЕКСТИЛЪШВЕЙТОРГ»НИНГ 6- МАКТАБ-МАГАЗИНИДА СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН.



Сиз ўқиш вақтида совет савдосини ташкил этиш, товаршунослик, экономика, психология, этика ва эстетика бўйича билим эгаллайсиз. Ишлаб чиқариш таълимининг тажрибали мастерлари раҳбарлигида пештахта олдида бевосита уч ойлик практика ўтказилади. Практика келгуси иш учун керакли тажриба ва меҳнат кўникмасини беради.

Сиз олти ой давомида саноат моллари кичик сотувчиси ихтисослигини эгаллайсиз ва «Таштекстильшвейторг»нинг магазинларида ишлаш ҳуқуқини киритасиз.

Мактаб-магазинни битиргандан кейин, хоҳловчилар ўқишни давом эттиришлари мумкин. Бунинг учун уларга Тошкент совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимига имтиёзли шароитда кириш имконияти яратиб берилади.

6-мактаб-магазинига 16 дан 23 ёшгача бўлган, 8-10 синф ҳажмида маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлиш мажбурий.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 62 сўмгача стипендия тўланади.

Мактаб-магазинда ўқиладиган 6 ой вақт меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: маълумоти тўғрисида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки кейинги иш жойидан характеристика, агарда бор бўлса меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 дона фотосурат (4х6 см.).

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-«а» уй (Универсам ёнида).

6-мактаб-магазинига қуйидаги транспорт воситалари билан борилади: 4, 9, 11-трамвайларнинг «Ҳамза» метро станцияси» бекати. Телефон 78-87-98, кадрлар бўлими.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-87-98).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ



ПРОГРАММАДА:

АНЪАНАВИЙ ВА НОМЛИ СОВРИНЛАР УЧУН МУСОБАҚАЛАР БОР.

ОТЧОПАРДА ЎЙИН АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Пойгада Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР колхоз, совхоз ва от заводларининг энг яхши тулпорлари иштирок этади.

ОТ-СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ (тотализатор) ИШЛАЙДИ.

Совуқ ичимликлар билан савдо қилувчи буфет томошабинлар хизматида.

«БЕГА» ресторани ишлайди.

Отчопарда йил бўйи (душанбадан ташқари) чавандозлик учун от ва уч от қўшилган аравача прокатга берилади.

ОТЧОПАР КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ЧАВАНДОЗЛИК УЧУН ОТЛАРНИ ПРОКАТГА БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

Аҳолидан тўй тантаналари учун уч от қўшилган рус аравачаларига буюртмалар қабул қилинмоқда.

КИРИШ БЕПУЛ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси; 103, 122, 123, 130, 132, 178-автобусларнинг «Ипподром» бекати).

Телефонлар: 76-76-28, 76-45-47.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МАШИНКАДА ЁЗУВ (диплом ишлари, курс ишлари, диссертациялар, бошқа машинка ёзувлар):

ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, 1 Май кўчаси, 12—уй.

Туғилган кунларда, юбилейларда ва бошқа онлавий тантаналарда совғаларни тошшириш, квартираларни ораста қилиш, сунъий гул безакларини тайёрлаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча хизмат усуллари нақд пулга бажариб берилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-«а» уй, «Сервис»нинг Марказий диспетчерлик хизмати.

Телефонлар: 44-63-15, 44-28-01.

ОМОНАТ КАССАЛАРИГА ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИДА 1984 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДА БЎЛИБ ЎТГАН ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА **84-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ**

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ БАРЧА ОМОНАТ КАССАЛАРИДАГИ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ ҲИСОБ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

Счет номерлари	Ютуқ миқдори (Омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида)
А-4	25
А-74	25
А-102	50
А-126	25
А-169	100
А-205	25
А-246	25
А-312	25
А-350	25
А-391	25
А-429	25
А-440	25
А-484	25
А-520	100
А-560	25
А-629	50
А-665	200
А-704	25
А-755	25
А-761	25
А-826	25
А-871	25
А-890	25
А-946	25
А-960	25

Счет сонлари 1000 дан ортиқ бўлган омонат кассаларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счет номерлари ҳам ютди, масалан 1004, 2004, 3004; 1074, 2074, 3074 ва шунингдек, 1102, 2102, 3102 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси БЕКТУРСУНОВ Т. Х.
Масъул секретарь ИЎЛДОШЕВА М. Х.

Янгийўл шаҳрида 1984 йил 9 октябрда бўлиб ўтган пул-буюм ютуқли омонатлар бўйича

2-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ БАРЧА ОМОНАТ КАССАЛАРИДАГИ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ СЧЕТ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

Счет номерлари	Ютуқ миқдори (Омонатнинг ўртача суммасига процент ҳисобида)
В-29	50
В-79	25
В-90	25
В-122	25
В-174	50
В-236	25
В-268	25
В-282	100
В-333	25
В-398	25
В-420	25
В-477	25
В-490	25
В-550	25
В-564	25
В-628	25
В-673	25
В-689	25
В-743	25
В-780	25
В-816	200
В-840	100
В-885	25
В-921	25
В-973	25

Счет сонлари 1000 дан ортиқ бўлган омонат кассаларида кейинги барча минг рақамли сонлардаги ўша счёт номерлари ҳам ютди, масалан биринчи мингликда, №№ 1029, 2029, 3029 ва шунингдек, 1079, 2079, 3079 ва ҳоказолар.

Тираж комиссиясининг раиси БЕКТУРСУНОВ Т. Х.
Масъул секретарь ИЎЛДОШЕВА М. Х.

«МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» БУТУНИТТИФОҚ КЎНГИЛЛИ СПОРТ ЖАМИЯТИНИНГ

СПОРТ КОМПЛЕКСИ

(Волгоград кўчаси, 81-уй)

СПОРТ ИЎНАЛИШИДА (кураш, оғир атлетика)

УМУМИЙ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ГРУППАЛАРИ МАШҒУЛОТЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Группаларга эркаклар ёши чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Машғулотлар ҳафтада уч марта кечки вақтда ўтказилади.

Абонемент баҳоси бир ой учун 3 сўм.

Группаларга 24—26 октябрь кунлари соат 17.00 дан 19.00 гача 30-хонада ёзилиш мумкин.

77-83-53 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.


Ўрта Осиё Темир йўлининг 406-қурилиш-монтаж поездига биринчи, иккинчи ва тўртинчи квартираларда ёнилғи-мойлаш материалларини олиш учун талонларга босишга берилган йўқолган ШТАМПЛАР **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

бош бухгалтер ўринбосари, бухгалтер, ревизор, катта экономист, ёрдамчи ишчилар, юкчилар, қурилиш ишчилари.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ (вечерний Ташкент) — орган Ташкентского горкома Узбекистана и Ташгорсовета

(Газета бир йилда 300 марта чи

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: секретариат— 33-57-02; партия турмуши— 32-53-66; саноат —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; сов шн ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, олий рн — 32-53-10; адабиёт ва санъат—33-56-1 —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварли 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-01-4 диспетчерн — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётчилик Меҳнат Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс

Р—12517. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7

ТВ

ЖУМА

19 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева чалади (фортепьяно).
19.55 «Экранда — кинокомедия». «Қувноқ йигитлар».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Днепр». «Зенит» — «Қайрат» (йўқлама).
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 Духовой оркестр чалади (Клин шаҳри).
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Пардубицкий Стипльчез» от спорти бўйича халқаро мусобақалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 А. Мишарин. «Ўғил билан беш суҳбат». Телеспектакль.
23.15 «Мультаккорд». Эстрада программаси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали олдидан.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Шахтёр» (Донецк). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Ёзувчилар — пахтакорларга».
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Сержило экран». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Озиқ-овқат саноати ходимлари кунига». Кинопрограмма.
19.00 Болалар учун фильм. «Солдатча».
19.40 «Лицей. 19 октябрь». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчилар учун консультация (рус.).
20.50 Классик куй саҳифалари.
21.30 МТ II

ШАНБА

20 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.50 «Бир дуэт тарихи». Телефильм премьераси.
10.10 «Спортлото»нинг 42-тиражи.
10.20 А. Литвиненко куйлайди.
10.45 «Сиз бунга қодирсиз».
11.30 «Ёзувчи ва ҳаёт».
12.30 «Белград. Озодликнинг 40 йиллиги». Киноочерк.
12.50 «Усимликлар олами».
13.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
14.45 «Оила ва мактаб».
15.15 «Дунё воқеалари».
15.30 Бадиий ҳаваскорлар ижодиёти Бутуниттифоқ кўриги.
15.50 «Ёдингдами, ўртоқ».
16.50 Мультфильмлар.
17.20 «Кун ботгач — парвоз». Ҳужжатли фильм премьераси.
18.00 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочиларнинг IV телеконкурси. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
19.45 Снёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
20.15 «Сўнгги ташриф». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Крылья Советов».
23.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Биргаликда аҳил оиламиз».
9.55 «Стадион ҳамма учун».
10.25 «Тонгги почта» музикали кўрсатув.
10.55 ГРУЗИЯ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.30 Ритмик гимнастика.
13.00 «Менинг ҳаётим — опера». Фильм-концерт.
14.00 «Чхун Хян ҳақида ривоят». Бадиий фильм. 1- ва 2-серияллар (КХДР).
16.15 «Музикали карусель». ГДРдан олиб кўрсатилади.
16.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Рига).
18.15 «Здоровье».
19.00 «Халқаро обзор».
19.15 «Қалбан сизни кўраяпман». Ҳужжатли фильм.
19.35 Москвада ГДР маданияти кунлари. Республика ташкил топганлигининг 35 йиллигига бағишланади. Симфоник оркестр концерти. Танаффус пайтида (20.20) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.05 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
23.30 «Бугун студияда». Фильм-концерт.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.30 «Ҳужжатли кино экрани».
11.15 «Бахши шоирларнинг телевизион конкурси». Қодир Раҳим ўғли.
12.15 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
12.45 ЎзССР Давлат телерадиоси солистларининг концерти.
13.25 «Касаба союзлари — коммунизм мактаби» (рус.).
13.55 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».
14.55 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар: «Худойберди — ботир», «Тонгги куй».
18.30 Болалар учун. «Бойчечак».
19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Майин табассум билан». Цирк программаси.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Санъаткорлар — пахтакорларга». Музикали программа.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пахтазор жасоратга чорлайди». Телевизион йўқлама.
22.30 «Санъаткорлар — пахтакорларга». Музикали программанинг давоми.
23.40 Кўрсатувлар программаси.
● 18.00—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.